
"Меҳнатобод" маҳалла фуқаролар йиғинида сайёр қабул ўтказилди
Тошлоқ тумани ҳоқими, 1-сектор раҳбари Абдуқаҳҳор Джурабаев кунлик иш режасига мувофиқ "Меҳнатобод" маҳалла фуқаролар йиғинида сайёр қабул ўтказди.

Қабул давомида фуқаролар томонидан билдирилган ичимлик суви, ички кўчаларни асфальтлаштириш, шағал ётқазиш, имтиёзли кредит ва экин экиш учун ер ажратиш каби 20 га яқин масалалар масъул ташкилотлар раҳбарлари иштирокида ўрганиб чиқилди.

Кўчаларни шағаллаштириш, ичимлик суви тармоқларни тортиш ва таъмирлаш, электр таъминотини яхшилаш каби ўнга яқин мурожаатлар бўйича ташкилот раҳбарларига топшириқлар берилди.

Муддат ва ўрганиш талаб этган масалалар ижро учун қабул қилинди. Шунингдек, туман ҳоқими маҳалла фуқаролар йиғинида ҳоқим ёрдамчиси ва масъуллар томонидан "Маҳаллабай" ишлаш бўйича олиб борилаётган ишлар билан ҳам танишди. Бириктирилган вакилларнинг ҳисоботлари эшитилди. Ишсиз фуқаролар, айниқса ёшлар бандлигини таъминлаш бўйича топшириқлар берилди.

2022-01-20 18:39:34